

Ватан ҳимояси - муқаддас бурч

Ушбу қутлуғ айём том маънодаги умумхалқ байрамига, азалдан халқимизга хос бўлган ватанпарварлик, мардлик ва жасурлик каби юксак фазилатлар тимсолига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.



14 январь эрта тонгдан Институт Ёшлар етакчиси жамоаси институтда таълим олиб келаётган талабаларни ҳамда профессор-ўқитувчиларни байрам билан табриклаш мақсадида, институтимизнинг асосий кириш қисмида байрам шукухини яратишиди.



Фаол талаба қизларимиз йигитларни байрам билан қутлашда ноодатий ёндашиб, барча қизларимиз ҳарбий кийимларда, чиройли кўринишда иштирок этишди. Албатта, бундай Флешмоблар талабаларнинг кайфиятини кўтаришга, байрамона кайфият улашишига хизмат қиласди.



Эътиборга молик жиҳати, нафақат талабалар барча проректорлар, Факультет деканлари, жамоат ташкилотларининг маъсулларини ҳам ушбу байрам билан қутлаб барча Устозларга байрам кайфияти улашилди. Ҳурматли Устозлар ва қадрли талабалар байрам муборак бўлсин.



ТИҚХММИ матбуот хизмати